

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 175-ҳадис

17- **Аллоҳнинг ҳукмига бўйинсунишнинг ана шунга чақирган кишига айтиладиган нарсалар, амру-маъруф ёки наҳий мункар вожиблиги баёни**

17-боб

Аллоҳнинг ҳукмига бўйинсунишнинг ана шунга чақирган кишига айтиладиган нарсалар, амру-маъруф ёки наҳий мункар вожиблиги баёни

Аллоҳнинг ҳукмига бўйинсунишнинг ана шунга чақирган кишига айтиладиган нарсалар, амру-маъруф ёки наҳий мункар вожиблиги баёни

Аллоҳнинг ҳукмига бўйинсунишнинг ана шунга чақирган кишига айтиладиган нарсалар, амру-маъруф ёки наҳий мункар вожиблиги баёни

Аллоҳнинг ҳукмига бўйинсунишнинг ана шунга чақирган кишига айтиладиган нарсалар, амру-маъруф ёки наҳий мункар вожиблиги баёни

Аллоҳнинг ҳукмига бўйинсунишнинг ана шунга чақирган кишига айтиладиган нарсалар, амру-маъруф ёки наҳий мункар вожиблиги баёни

Аллоҳ таоло: «**Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича - бўйинсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар**» (Нисо сураси, 65-оят).

«**Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига ўрталарида ҳукм чиқариш учун чорланган вақтларида мўминларнинг сўзи «эшитдик ва бўйинсундик» (демоқдир). Ана ўшаларгина нажот топгувчилардир**» (Нур сураси, 51-оят), деб айтган.

Бунга бобнинг аввалидаги Абу Хурайрадан ривоят қилинган 163-рақамли ҳадис ҳам далил бўлади.

175 - **Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:** «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга: «**Осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳникидир. Ичингиздаги нарсаларни ошкор қилсангиз ҳам, махфий қилсангиз ҳам, Аллоҳ сизларни ҳисоб-китоб қилади. Истаганини мағфират қилади, истаганини азоблайди. У ҳар нарсага қодирдир**» нозил бўлганида бу Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобаларига оғир келди. Улар Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келишди. Кейин чўккалаб ўтиришди ва: «Эй Аллоҳнинг Расули, бизга кучимиз етадиган амаллар - намоз, рўза, жиҳод ва садақа юкланган эди. Энди сизга мана бу оят нозил бўлибди. Бунга кучимиз етмайди», дейишди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «**Сизлар ҳам ўзингиздан олдинги икки Китоб аҳли айтгандек, «Эшитдик ва осий бўлдик», демоқчимисизлар? Аксинча, «Эшитдик ва итоат қилдик.**»

1. 175. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга: «**Осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳникидир. Ичингиздаги нарсаларни ошкор қилсангиз ҳам, махфий қилсангиз ҳам, Аллоҳ сизларни ҳисоб-китоб қилади. Истаганини мағфират қилади, истаганини азоблайди. У ҳар нарсага қодирдир**» нозил бўлганида бу Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобаларига оғир келди. Улар Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келишди. Кейин чўккалаб ўтиришди ва: «Эй Аллоҳнинг Расули, бизга кучимиз етадиган амаллар - намоз, рўза, жиҳод ва садақа юкланган эди. Энди сизга мана бу оят нозил бўлибди. Бунга кучимиз етмайди», дейишди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «**Сизлар ҳам ўзингиздан олдинги икки Китоб аҳли айтгандек, «Эшитдик ва осий бўлдик», демоқчимисизлар? Аксинча, «Эшитдик ва итоат қилдик.**»

Роббимиз, мағфиратингни сўраймиз, қайтиш Ўзинггадир», денглар», дедилар. Шунда улар: «Эшитдик ва итоат қилдик. Роббимиз, мағфиратингни сўраймиз, қайтиш Ўзинггадир», дейишди. Одамлар буни қийналиб ўқиб юриб, тиллари ўргангач, Аллоҳ унинг кетидан: **«Расул ўзига Роббидан нозил қилинган нарсага иймон келтирди, мўминлар ҳам. Барчалари Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, расулларига «Расулларининг бирортасини ажратмаймиз», деб иймон келтиришди, «Эшитдик ва итоат қилдик. Роббимиз, мағфиратингни сўраймиз ва сўнгги қайтиш Ўзинггадир», дейишди»** оятини нозил қилди. Улар шундай қилгач, Аллоҳ буни насх қилди. Сўнг Аллоҳ аzza ва жалла ушбу оятни нозил қилди: **«Аллоҳ ҳеч бир жонга имкониятидан ташқари нарса юкламас. Қилган яхши касби ўз фойдасига, қилган ёмон касби ўз зарарига. «Роббимиз, агар унутсак ёки хато қилсак, жавобгар қилмагин. - У Зот: «Хўп», деди - «Роббимиз, биздан олдингиларга юклаганинг каби оғирликни бизга юкламагин. - У Зот: «Хўп», деди - Роббимиз, бизга тоқатимиз етмайдиган нарсани юкламагин. - У Зот: «Хўп», деди - Бизни афв эт, мағфират қил ва бизга раҳм айла. Сен Хожамизсан. Бас, кофир қавмлар устидан бизга нусрат бер. - У Зот «Хўп», деди».**[1]

Имом Муслим ривояти.

[1] Бақара сураси, 284, 285, 286-оятлар

Манба: hadis.islom.uz

